

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2020 йил 27 майдаги
№408/02-11-сонли хатига илова

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кўмир саноати корхоналарини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 14 декабрдаги 998-сон қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 19 майдаги 06/1-3465-сон топшириғига мувофиқ ишлаб чиқилган.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги кўмир омборхоналарини ва уларда мавжуд брикет ишлаб чиқарувчи ускуналар ҳамда ёрдамчи техникаларни “Ўзбеккўмир” АЖнинг устав капиталига баланс қийматида давлат улушини ошириш ҳисобига бериш;

“Ўзбеккўмир” АЖга бериладиган активлар негизида аҳолини ва бюджет ташкилотларини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш учун ягона кўмири етказиб бериш ва сотиш бўйича “Кўмиртаъминот” МЧЖ ташкил этиш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда тақлиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “Ўзбеккўмир” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Central Asia Energy” МЧЖ;

давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тарраққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги;

бошқа иштироқчилар гурухи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 2-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзбеккўмир” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тарраққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва “Central Asia Energy” МЧЖнинг:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги кўмири омборхоналарини ва уларда мавжуд брикет ишлаб чиқарувчи ускуналар ҳамда ёрдамчи техникаларни “Ўзбеккўмир” АЖнинг устав капиталига баланс қийматида давлат улушини ошириш ҳисобига бериш;

“Ўзбеккўмир” АЖга бериладиган активлар негизида аҳолини ва бюджет ташкилотларини кўмири маҳсулотлари билан таъминлаш учун ягона кўмири етказиб бериш ва сотиш бўйича “Кўмиртаъминот” МЧЖ ташкил этилиши тўғрисидаги таклифларига розилик берилмоқда.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Қарор лойиҳасининг 2-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзбеккўмир” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тарраққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва “Central Asia Energy” МЧЖнинг:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги кўмири омборхоналарини ва уларда мавжуд брикет ишлаб чиқарувчи ускуналар ҳамда ёрдамчи техникаларни “Ўзбеккўмир” АЖнинг устав капиталига баланс қийматида давлат улушини ошириш ҳисобига бериш;

“Ўзбеккўмир” АЖга бериладиган активлар негизида аҳолини ва бюджет ташкилотларини кўмири маҳсулотлари билан таъминлаш учун ягона кўмири етказиб бериш ва сотиш бўйича “Кўмиртаъминот” МЧЖ ташкил этилиши тўғрисидаги таклифларига розилик бериш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат хуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сонли фармонининг 5-бандига асосан хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар қонуности хужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солинишини тақиқлаш кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган **бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёzlар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равиша бериши таъкиқланиши кўрсатилган**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да **хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив хукуқлар, индивидуал имтиёzlар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш кўрсатилган.**

Юқоридагиларни инобатга олиб, қарор лойиҳасининг 2-банди учинчи хатбоши қонунчилик талабларига зид эканлигини инобатга олиб, ушбу хатбошини қарор лойиҳасидан **чиқариб ташлаш лозим**.

Шу билан биргаликда, Хукумат қарори асосида хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар қонуности хужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солиниши **мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш таклиф этилади**.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Қарор лойиҳасини қабул қилиниши оқибатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёzlар, преференциялар ва енгилликлар берилиши “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепциясига зид эканлигини инобатга олиб, қарор лойиҳасига тегишли ўзгартириш киритилгандан сўнг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.